



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 26 август, № 175 (9346)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССИ ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг конгрессменлар — Жейсон Смит, Грег Мерфи, Ронни Жексон ва Эдвард Кейсдан иборат делегациясини қабул қилди.

Учрашув аввалида америкалик қонун чиқарувчилар Ўзбекистон Президенти ва халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги билан самимий кутладилар.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама муносабатларда ижобий суръат қозғалди, сиёсий мулоқот юқори даражада экани, алоқалар ва ўзаро ташриф-

лар фаоллашгани мамнуний билан қайд этилди. Икки мамлакат етакчилари яқинда бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот чоғида стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 20 фоизга ошди. Энергетика, муҳим минераллар, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги, рақамли технологиялар ва саноат соҳаларида йирик

лойиҳаларни бошлаш ва амалга оширишни назарда тутувчи уч йиллик Иқтисодий ҳамкорлик дастури изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватлашда, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни илгари суришда АҚШ Конгрессининг муҳим ўрни қайд этилди.

Худудлараро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. АҚШ делегацияси аъзолари вакиллик

қилаётган Миссури, Шимолий Каролина, Техас ва Гавайи штатлари билан тўғридан-тўғри алоқаларни янада ривожлантириш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрилик билдирилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида ишбилармонлик миссияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА МУНОСИБ ТУҲФА

Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида 25 август куни мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан ҳудудларда янги объектларни ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари ҳудудлардаги студияларга йирилган кенг жамоатчилик вакиллари, улар орқали бутун халқимизни яқинлашиб келаётган улғу байрам билан табриклади.

Ортда қолган ўн йилда Ўзбекистонда инсон кадрини улғулаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар юз берди. Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, иқтисодиётни диверсификация қилиш, рақобатбардор саноат тармоқларини яратиш, чекка туман ва қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича улкан ишлар бажарилди. Таълим, тиббиёт ва маданият соҳаларида эътибор янги босқичга кўтарилди.

— Сўнгги ўн йил мамлакатимиз тарихида янги Ўйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш босқичи сифатида абадий муқрланди, — деди Президентимиз. Бу даврда иқтисодиётимиз ҳажми 2,5 баробардан зиёд ошди. Иқтисодиёт тармоқларига 160 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, умумий қиймати 76 миллиард долларлик 2 163 та йирик саноат лойиҳаси ишга туширилди, қарийб 6 миллион нафар аҳоли доимий иш ўрни билан таъминланди.

Бугун юртимизда дунёнинг етакчи компаниялари, йирик инвесторлар ҳам бор. Андижон, Наманган ва Жиззах вилоятларида ишга туширилган тўқимачилик, трикотаж ва пилас маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари миллионлаб долларлик экспортни таъминлайди. Самарқанд ва Тошкент вилоятларида барпо этилган янги металлургия корхоналари ҳам саноат кооперациясини кенгайтириш ва импорт ўрнини босишга хизмат қилади.

Президентимиз бугунги лойиҳаларни фақат инвестиция ва экспорт кўрсаткичлари билан ўлчаш тўғрисида бўлмаганини таъкидлади. Янги ўқув йили арафасида ижтимоий соҳа ҳам қўллаб-қувватлаш объектилар фойдаланишга топширилмоқда. Улар орасида 36 та болалар босчаси, 43 та мактаб, 7 та олий таълим муассасаси ва 3 та шифохона бор.

Янги Тошкент ҳудудида жажон стандартлари асосида 10 гектар майдонда барпо этилган Янги Ўзбекистон университетининг замонавий мажмуаси шулар жумла-

сидадир. Бу ерда 7 минг нафар талаба таҳсил олиши учун шароит яратилган.

Олий таълим муассасасида Гарвард университети билан ҳамкорликда Ректорлар мактаби фаолияти йўлга қўйилди. Оксфорд университети билан биргаликда давлат хизматчиларининг малакасини ошириш бўйича “Таълим хаёли” ташкил этилди. 1 октябрдан Сунъий интеллект институти иш бошлайди.

Шунингдек, 30 минг квадрат метр майдонга эга беш қаватли янги Миллий кутубхона энг замонавий техникалар билан жиҳозланган. У бир вақтнинг ўзига 1,5 минг нафар китобхона хизмат кўрсата олади. Бу ерда 28 дан зиёд ўқув хонаси ва заллар, турли сифимдаги конференция заллари ташкил этилган, 200 мингдан ортиқ китоблар ҳамланган.

Қарши шаҳрида 400 миллиард сўмлик Иқтисодиёт ва педагогика университети замонавий бино ҳамда иншоотлари барпо этилди. Бу ерда 3 минг нафар талаба таҳсил олади, 700 нафар аҳоли даромадли иш билан таъминланади.

Фаргона вилоятидаги янги замонавий тиббиёт муассасасида эса йилига 60 минг нафар беморни даволаш ва 30 минг нафар аёлни скринингдан ўтказиш имконияти яратилди.

Давлатимиз раҳбари янги объектиларни барпо этишда иштирок этган инвестор ва тадбиркорлар меҳнатини юксак баҳолади.

— Сиз киритаётган ҳар бир инвестиция Ўзбекистон келажагининг пойдеворини мустаҳкамлайди. Сиз яратяётган ҳар бир иш ўрни оилалар фаровонлигига хизмат қилади. Сиз ишлаб чиқараётган ҳар бир маҳсулот мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янги босқичга олиб чиқади. Сиз экспорт қилаётган ҳар бир товар Ўзбекистоннинг жажон бозоридagi рақобатбардорлигини оширади, — деди Президентимиз.

Ушбу лойиҳаларни барпо этишда фидойилик кўрсатган қурувчилар, муҳандис ва лойиҳачилар, тадбиркор ҳамда инвесторларга миннатдорлик билдирилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босди ва 72 та йирик инвестиция лойиҳаси ҳамда 91 та ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилди.

Ў.А.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН МУНОСАБАТЛАР



Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларини янада мустаҳкамлашда парламентлараро мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг парламентлараро ғуруҳи ва АҚШ Конгресси ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, АҚШ Конгрессидаги “Ўзбекистон бўйича кокус”

фаолияти сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда икки томонлама алоқаларни тизимли ривожлантириш, парламент дипломатияси орқали долзарб масалаларни муҳокама этиш ва уларга ечим топишнинг самарали механизмларидан бирига айланган.

Учрашув

Иккала давлат парламентлари ўртасида алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг конгрессменлари — Жейсон Смит, Грег Мерфи, Ронни Жексон ва Эдвард Кейсдан иборат делегация билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ва АҚШ Президентлари — Шавкат Мирзиёев ҳамда Дональд Трампнинг сиёсий иродаси туфайли мамлакатлар ўртасидаги

очиқ мулоқот ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали ҳамкорлик изчил ва жадал ривожланиб бораётгани, икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилгани таъкидланди. Мулоқотда келгусида парламентлараро, жумладан, парламент қўмиталари ўртасидаги алоқаларни изчил ривожлантириш, Ўзбекистон ҳудудлари ҳамда АҚШ штатлари ўртасида, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.

Сухбат давомида икки

томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли инвестициявий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, меҳнат муносабатлари, гендер тенглик ва ушбу йўналишларда тажриба алмашиш ҳамда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан ҳам тақлифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига

Нуриддин ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери

МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ — ПРЕЗИДЕНТ СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Юртимиз ҳаётидаги кўпгў сана — Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги байрами арафасида турибмиз. Бу йил маъмур тарихий кун янги Ўзбекистоннинг бугунги улкан салоҳияти ва жажон майдонидagi нуфузига мувофиқ “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!” деган бош ғоя асосида кенг нишонланмоқда.

Тарих — улғу мураббий. У давлатлар ва халқлар асрлар давомида босиб ўтган мураккаб йўлни холис баҳолайди. Шундай тарихий бурилишлар бўладики, улар вақт билан эмас, балки инсон тақдирини ва миллат келажагини белгилаб берган азму шиҷорат, қатъий сиёсий ирода, оқилона қарорлар ҳамда халқ манфаати йўлида амалга оширилган ислохотлар билан ўлчанади.

Кейинги ўн йилда Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар нафақат давлат бошқаруви, балки халқимиз тафаккурини, ҳаётимиз фалсафасини, қонун устуворлигига бўлган қарашларни ҳамда энг асосийси, инсон қадрига муносабатини тубдан ўзгариштирди.

Давлатимиз раҳбарининг халқни севиши ва Ватанга сидқидилдан хизмат қилишдек олий саодатга йўғрилган шахсий намунаси янги Ўзбекистон руҳига айланди.

Давлатчилик тарихимиз шундан далолат берадики, тамаддунинг энг ёрқин давлари юксак сиёсий ирода ва тарихий масъулият эгалари бўлган Амир Темур, Жалолиддин Манғуберди, Мирзо Улуғбек сингари буюк аж-

додларимиз шахсияти билан чамбарчас боғлиқ. Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг узокни қўзлаган стратегик сиёсати, қатъий сиёсий иродаси ва тинимсиз амалий саъй-ҳаракатлари туфайли эришилган халқ бирлиги, умуммиллий ҳам-жихатлик ҳамда Ватан тақдирини учун муштарак масъулият Янги Ўзбекистон тараққиётининг сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичдаги дадил қадамларини таъминлаб бермоқда.

Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти бир-қарор ўсиб бермоқда. Охириги ўн йилликка назар солидиган бўлсак, мамлакатимизда валюта бозори либераллаштирилиб, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар учун кенг имкониятлар яратилди. Иқтисодиётимиз ҳажми 50 миллиард доллардан қарийб 3 баробар ошди, мамлакатимиз ўрта даромадли давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Электрон давлат хизматлари кенгайиб, ижтимоий ҳимоя тизими янги босқичга кўтарилди. Бу ўзгаришлар натижалари халқимизнинг қундалик ҳаёти ва турмуш тарзида яққол намоён бўлмоқда.

Биргина 2025 йилда иқтисодиётга 43 млрд. доллар инвестиция жалб этилди, қурилган уй-йўллар сонини эса 238 мингга хонадонга етди.

Президентимизнинг нуфузли халқаро минбарлардан илгари сурган глобал ва минтақавий аҳамиятга эга ташаббуслари жажон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Энг муҳими, бу ислохотларнинг марказида инсон қадрини, унинг фаровонлиги ва муносиб ҳаёт кечириши учун шароит яратиш максаси турибди. Янги Ўзбекистоннинг сўнгги ўн йиллиги миллий тарихимиздаги шундай ноёб даврдир.

Шу маънода, кейинги йиллардаги ислохотлар моҳиятини чуқур англаш учун парламент тизимида кечган ўзгаришларга ҳам эътибор қаратиш муҳим.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқоти мамлакатимиз ҳуқуқий сиёсатида, миллий парламент ва маҳаллий Кенгашлар ҳамда сиёсий партиялар фаолиятида туб бурилиш даврини бошлаб берди. Шу кундан эътиборан барча вакиллик органлари мутлақо янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Парламент, том маънода, ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

Илгари парламент деганда, асосан, қонун лойиҳаларини кўриб чиқадиган ва тасдиқлайдиган институт тушунилган бўлса, бугун у мутлақо бошқа мазмунга эга бўлди. Миллий парламентимиз таъбири билан айтганда, чинакам “Халқ уйи”га айланди.

Давлатимиз раҳбарининг миллий парламентаризм тараққиётига қарат-

ган доимий эътибори ушбу тарихий трансформациянинг бош омили ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлди.

Президент ва парламент мулоқотининг ноёб модели

Янги Ўзбекистонда Президент ва парламент ўртасидаги мутлақо янги муносабатлар тизими мустаҳкам сиёсий ва аниқ стратегик ёндашув асосида шаклланди. Бу жараён 2016 йил 8 сентябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги қишқандан бошланди. Уша йилнинг 14 декабрида эса Президентнинг лавозимига киритишга бағишланган тантанали маросим айнан парламент минбарига бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари ўзининг сиёсий дастурини халқ вакиллари ҳузурда эълон қилди. Бу теран рамзий маънога эга танлов бўлиб, янги сиёсий йўл халқ вакиллари институтининг бевосита иштироки билан бошланаётганининг ифодаси эди.

Ана шу илик қадамлардан бошлаб Президент ва парламент ўртасида мунтазам, тизимли ва мазмунли мулоқот анъанаси қарор тоғди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис билан турли форматларда — қўшма мажлислар, сиёсий партиялар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар, Мурожаатномалар, янги шакланган парламент билан дастурий мулоқотлар орқали доимий алоқада бўлди.

